


Ўзбекистоннинг мукаммал кадастр харитаси яратилади



Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидағи уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала.

Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат обьектларни қуриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукаммал кадастр харитаси яратилади.

Режа аниқ, вазифа масъулиятли

Кейинги уч йил давомида масъул мутасаддиларни қайноқ иш жараёни кутиб турибди. Уларни муваффақиятли бажариш билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳари, туманидан тортиб маҳалласию кўчасига, чекка қишлоқ ва олис овулларигача алоқадор бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўламиз. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бугун, эртага ва яқин келажакда жуда асқатади.

Зотан, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилаётган кўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина, юқори самара беради. Демак, мазкур жараён билан шу чоққача эътибордан четда қолиб келган соҳага чинакам пойдевор қўйилади, дейиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.